

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 63 (11.124)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

МАМЛАКАТИМИЗДА ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ УЧУН МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. ШУ БОИС СОҲАНИНГ ЮКОРИДАН ҚЎЙИГАЧА БЎЛГАН БАРЧА ТЎЗИЛМАЛАРИ АМАЛДА СИФАТ ЖИҲАТИДАН БУТУНЛАЙ ЯНГИЧА АСОСИДА ШАКЛЛАНТИРИЛДИ. ЧУНОНЧИ, ЮРТИМИЗДА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТНИ САҚЛАШ ВА ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИДАН КЕНГ Фойдаланган ҳолда жамоат хавфсизлиги, фуқаролар осойишталигини таъминлашнинг самарали тизимини қарор топтириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Ўз навбатида ички ишлар идоралари олдидagi масъулиятли ва шарафли вазифаларни амалга оширишда тизим шахсий таркибини юксак малакали, профессионал кадрлар билан мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, мамлакатимиз ички ишлар идораларида хизмат қилиш орсусидаги йигит-қизларга Ёшлар йилида янада катта имкониятлар яратиб берилмоқда. Улар соҳанинги ўзига хос сир-синаоларини ўрганишлари ва ҳар томонлама етук ҳодим бўлиб етишишлари учун Ички ишлар вазирлигининг академияси, Ёнги хавфсизлиги олий-техник мактаби, Тошкент Олий ҳарбий-техник билим юрларида ўқитиш ишлари замон талаблари асосида йўлга қўйилган.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган Ички ишлар вазирлигининг академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш Олий курси ҳам йилдан-йилга давр билан ҳамнафас, ҳар жиҳатдан чиниққан, юртимиз тинчлиги, фуқароларимиз осойишталигини таъминлашга қодир соҳа ҳодимларини тайёрлаш борасида ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда.



ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, СЕРЖАНТЛАР!

Қайд этиш жоизки, Олий курсда курсантларга назарий билимлар билан бир қаторда амалий кўникмаларни мустаҳкамлашга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу ердаги замонавий компьютер ва лингафон, жанговар-тактик машғулотларни ўргатиш, спорт машқлари олиб бориш хоналари курсантлар ихтиёрида. Айниқса, ўқитишнинг самарали усуллари, мультимедиа ва замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланилмоқда.

Кунни кеча Ички ишлар вазирлигининг академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш Олий курсини навбатдаги битирувчиларга диплом ва кичик сержант унвонларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, олий таълим муассасаларининг раҳбарлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотлари, битирувчиларнинг ота-оналари ҳамда хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари вакиллари қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б.Матлюбов, академия бошлиғи вазифасини бажарувчи полковник А.Якубов, академия ўқитувчиси Э.Орифжонов, ота-оналар вакили Б.Нуруллаева ва бошқалар Президентимиз бошчилигида юртимизда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг муҳим бўғи-

ни бўлган ички ишлар идоралари тизимини ислоҳ қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, Олий курсда курсантларнинг жанговар ва жисмоний тайёрлигини юқори даражада шакллантиришга, уларда касбий тайёрларлик бўйича кўникмаларни ҳосил қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида мазкур Олий курсни битирган юзлаб сержантлар бугунги кунда ички ишлар идораларида жазони ижро этиш, ёнги хавфсизлиги, йўл-патруль, патруль-пост хизмати, хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролик расмийлаштириш, қўриқлаш ва бошқа хизматларда самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

— Бизнинг ички ишлар тизими мутахассиси сифатида шаклланиб, назарий билим ва амалий кўникмаларни ҳар томонлама пухта эгаллашмизга барча шарт-шароитлар яратиб берилгани учун Юртбошимизга миннатдорлик билдираимиз, — дейди битирувчи Д.Алимухамедов. — Ишонтириб айтаимизки, мен ва барча сафдошларим касамедемизга содиқ қолиб, Ватанимиздаги тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш йўлида бутун куч ва ғайратимизни ишга солаимиз.

**Н.АБДУРАИМОВА,
Ўза мухбири**

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

**28 МАРТ ВА 1 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING
НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Мажлиси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова олиб борди. Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси И.Насриев «Ўзбекистон Республикасида ноғиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Савол-жавоблардан кейин ҳужжат барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари иштирокида модда-модда муҳокама қилинди. Депутатлар мазкур қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилиб, масъул қўмитага уни учинчи ўқишда қабул қилиш учун маромига етказишни топширдилар.

«Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг аъзоси Р.Ўзметов маъруза қилди. Ҳужжатни модда-модда муҳокама қилиш чоғида депутатлар айрим ҳуқуқий нормаларни янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор тақлифлар киритдилар. Қонунчилик палатаси билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди.

«Ветеринария тўғрисида»ги ва «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси аъзоси К.Иброҳимов тақдим этди. Савол-жавоблар ва қонун лойиҳаси батафсил муҳокама этилгандан кейин депутатлар унинг асосий қоидаларини маъқулладилар ҳамда ҳужжатни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ваколатига қирадиган бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилди.

(Ўза)

МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМ

**ПОЙТАХТИМИЗДА БИР ҲАФТА ДАВОМ ЭТГАН
МИСР МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ ЯҚУНЛАНДИ. ШУ
МУНОСАБАТ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ
КОНСЕРВАТОРИЯСИДА БЎЛИБ ЎТГАН ТАДБИР
«ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САЪЪАТИ
ФОРУМИ» ЖАМҒАРМАСИ, ЎЗБЕКИСТОН
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ҲАМДА МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИНING
МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ
ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

Ўзбекистон Давлат консерваторияси ректори Дилора Муродова, Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Факултода ва муҳтор элчиси Нодия Иброҳимова Каффеолий хоним Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги алоқалар барча жаҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарлари ўртасида имзоланган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини таъкидладилар.

Миср маданияти кунлари ранг-баранг ва қизилқарли тадбирларга бой бўлди. Гафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи, Тошкент Давлат шарҳунослик институти, Тошкент ислом университети, Миллий санъат маркази ва бошқа бир қатор маърифий масканларда Мисрнинг «Хуррия» фольклор жамоаси иштирокида концерт дастури намойиш этилди. Мисрлик рессом Сайид Иброҳим Мухаммад Кандийнинг график асарлари ҳамда Авс ал-Ансориининг хаттотлиқ намуналаридан иборат кўргазма ўтказилди. Шу билан бирга, араб тили байрами, қизқарли илмий анжуманлар, қўриқ-танловлар ташкил этилди.

— Ўзбекистонда кўрганларим эшитган ва ўқиганларимдан зиёда экан, — дейди «Хуррия» фольклор жамоаси бадий раҳбари Насриддин Мухаммад Махмуд. — Жамоамизнинг «Офарин» ракс театри ва Ўзбекистон Давлат консерваторияси бадий жамоалари билан ҳамкорликда намойиш этган дастурлари, бошқа маданий тадбирлар мубойнада халқиниқизининг санъатга ихлоси банд эканига ғувоҳ бўлдим. Бундай тадбирлар икки халқ ўртасидаги дўстона ва маданий алоқаларнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

**Назозат УСМОНОВА,
Ўза мухбири**

Каска сатрларда

- **БҮГҮН** Ҳамза туманида туман халқ таълими бўлими, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, «Камолот» ЁИХ туман бўлими Кенгаши ҳамкорликларида Ёшлар йилига бағишлаб ўтказилган тадбир «Ўз ҳуқуқингизни биласизми?» деб номланди.
- **БҮГҮНДАН** Бадий академиянинг марказий кўргазмалар залида «Internatsional Unitex Expo-2008» халқаро

қурилиш материаллари, ёритиш технологиялари, дастгоҳлар, кадоқлаш индустрияси кўргазмаси бошланди. Ушбу тадбир 4 апрелгача давом этади.

- **ТОШКЕНТ** Ислам университети ташаббуси билан Республика Байналмилал маданият маркази, «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ҳамкорликларида ўтказилган «Ёшларда миллатлараро ва динлараро бағрикенглик» мавзусидаги семинарда исломшунох олимлар, фаол ёшлар иштирок этишди.
- **ЎЗБЕКИСТОН** маданияти ва санъати форуми жам-

фармаси, «Келажак овози» марказининг «Ёшлар ташаббуслари» маркази ҳамкорликларида УТГАН кундан бошланган «Биз бир жамоамиз» акцияси доирасида фаол ёшлар пойтахтимиздан мамлакатимизнинг барча вилоятларида саёхат қилишмоқда.

● **ЖАҲОН** иқтисодиёти ва дипломатия университетиди талабалар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган тадбирда Жанубий Корея ва Ўзбекистон ўртасида таълим сарматдорлигини ошириш мақсадида ўрнатилган ҳамкор-

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ликнинг истиқболли йўналишлари муҳокама қилинди.

● **193-МАКТАБДА** таълим сифатини яхшилашнинг долзарб масалаларига бағишлаб ўтказилган тадбирда ўқитувчилар иштирок этишди.

● **ШАҲРИМИЗДАГИ** Етакчи ёшлар ўқув марказида «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган ўқув семинарида Тошкент шаҳри ҳамда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган етакчилар иштирок этишди.

ЁШ АВЛОД МАНФААТЛАРИ ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИДА «БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИГИГА ЎЙҒУНЛАШТИРИЛГАН ХАЛҚАРО НОРМАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ» МАВЗУИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ.

Ёшлар йилига бағишланган ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институти, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмиталари томонидан мазкур олий ўқув юрти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Анжумани Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари А.Турсунов бошқарди.

Конференцияда парламент қўйи палатасининг Демократик институти, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ректори У.Бегимкулов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшлар тўғрисида доимий ғамхўрлик қилинаётганини, уларни ҳаётга қатъ-

ий эътиқод ва қарашлар, менталитетимизга ёт зарарли таълиқлар ва оқимларга қарши тура оладиган миллий ҳамда умуминсоний кадрларга ҳурмат руҳида тарбиялашга катта эътибор қаратилганлигини алоҳида таъкидладилар.

Ёшларнинг манфаатларини таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ҳуқуқий базани ҳамда таълим жараёнини унинг узлуksизлиги ва давомийлиги нўқтаи назаридан янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, бола-ларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, уларни умуминсоний кадрларга руҳида тарбияланган етук шахслар этиб воёга етказиш хозирги кунда давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Юртбошимизнинг шу йилнинг 29 февралдаги «Ёшлар йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарори бунинг амалдаги яна бир ифодасидир.

Анжуманда таъкидланганидек, республикамизда бола ҳуқуқлари ҳимоясини кафолатлашга қаратилган бир қатор қонунлар қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқ-

да. Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва шу йил бошида амалиётга киритилган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун шулар жумласидан. Унда БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясида белгиланган асосий мейёрлар мустаҳкамланган, миллий қонунчилигимиз ана шу халқаро ҳужжатда ўз ифодасини топган принциплар ва қоидаларга ўйғунлаштирилган.

Конференцияда БМТ Бош ассамблеясининг «Минг йиллик декларацияси», «Ўзбекистонда болалар фаровонлигини таъминлаш бўйича ҳаракат дастури» ва бошқа халқаро ҳамда миллий ҳужжатларнинг ҳаётга изчил татбиқ қилинаётгани кайд этилди. Ўзбекистоннинг БМТ Бола ҳуқуқлари қўмитаси 42-сессиясидаги иккинчи миллий маърузаси алоҳида хайрихолик билан қабул қилинган таъкидланди. Мазкур маърузадаги болалар фаровонлигини юксалтириш ва уларнинг бахтли ҳаётини таъминлашга қўлланган тавсиялар халқаро ҳамжамиятнинг бу йўналишдаги муштарак ҳаракатлари ва дастурлари учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Анжуманда Самарқанд ва Гулистон давлат университетлари билан он-лайн конференция шаклида ўтказилган муҳокамалар чоғида мавзу юзасидан бир қатор тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

**Т.БОТИРБЕКОВ,
Ўза мухбири**

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида янги авлод кадрларини тайёрлаш ва малакасини оширишнинг долзарб масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Тошкентдаги «Атроф-муҳит» ахборот марказининг ташаббуси билан журналистлар ҳамда экологлар учун «Сув манбаларини қандай бошқариш керак?» мавзусида Юқоричирик туманидаги сув иншоотлари бўйлаб медиа-тур ҳамда давра суҳбати уюштирилди.

● Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда «Ўзбектеатр» ижодий — ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ташкил этилган ёш режиссёрларнинг «Дебют-2008» 2-республика кўрик-фестивали ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

● Самарқанднинг Регистон майдонида «Самарқанд ёдгорликлари — тарихий суратларда» мавзусида суратлар кўргазмаси очилди. Кўргазмада Регистон, Шоҳи Зинда, Ғури Амир, Бибихоним каби осори-атиқалар ўрнидан хикоя қилувчи тарихий расмлар ёнида уларнинг бугунги ҳолати акс этган фотосуратларнинг ҳам борлиги диққатга сазовордир.

● Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида Ёшлар маркази фойдаланишига топширилди. У «Қизилтепа киновидео» МҲЖ томонидан «Давр-200» фермер хўжалиги билан ҳамкорликда қуриб битказилди. Марказда ёшларнинг дам олиши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши, турли касблар кўникмаларини олиши ва спорт билан шуғулланиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

● Бухорода улоқ-кўпкари мусобақаси уюштирилди. Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, улоқ-кўпкари федерацияси томонидан ташкил этилган миллий ўйинда самарқандлик, қашқадарёлик, Хоразм Сурхондарёдан келган чавандозлар беллашишди.

● Республика ўқувчилар техник ижодиёти маркази, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, «Камолот» ЁИХ, «Камалот» болалар ташкилоти ҳамкорлигида Тошкентда «Варраклар сайли» фестивали ўтказилди.

● Самарқанд давлат чет тиллари институтида «Ёшлар маънавиятига салбий таъсир этувчи омилларни бартараф қилиш масалалари» мавзусида Республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

● Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази тақдим этган лойиҳа Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан эълон қилинган танловда ғолиб деб топилди, 90 минг евро миқдоридagi грант билан тақдирланадиган бўлди. Шартномага мувофиқ, шифо масканига УЗИ, эндоскоп, компьютерли ЭКГ каби тиббиёт асбоб-ускуналари ажратилади.

ЖАҲОНДА

● АҚШ Президенти Жорж Буш Украинага давлат ташрифи давомида мамлакат Президентини Виктор Ющенко билан икки томонлама муносабатларни кенгайтириш, шунингдек, расмий Киевнинг НАТОга аъзо бўлиши масаласини муҳокама қилди.

● Бухарест шаҳрида ўтадиган навбатдаги НАТО саммитида Финляндияда юзага келган улкан шов-шувнинг марказида бўлган ОБСЕ ташкилоти раиси И.Канерви иштирок этмади.

● Кеҗа водород газининг сизиби чиқиши туфайли Япониядаги «Сига» атом электр станциясининг фаолияти зудлик билан тўхтатилди.

● Туркия бош прокурори ҳукумат тепасидаги «Адолатли ривожланиш» партиясига нисбатан давво иши кўзгагди. Прокурор ҳукуматни дунёвий ривожланишга қарши чиқишда айбламоқда. Бош прокурорнинг даввосини кеҗа мамлакат Конституциявий суди қўриб чиқишга киришди. Давво қондириладиган бўлса, партия ҳукуматдан кетади, мамлакатда мудартидан олдин сайлов бўлиб ўтади.

● Европанинги «Евростат» статистика агентлиги маълумотларига кўра 2008 йилнинг март ойида Евроҳудудда инфляция даражаси 3,5 фоизни ташкил этди. Бу 1999 йилдан буён инфляциянинг энг юқори даражасидир. Евро ҳудудида инфляциянинг ўсишига озиқ-овқат маҳсулотлари ва энергия элтувчиларга нархларнинг кўтарилиши сабаб бўлди.

● Ҳитой ҳукумати 2020 йилга бориб мамлакатда 100 га яқин аэропорт қуришни режалаштирди. Маълумотларга кўра, 2010 йилда мамлакатдаги аэропортлар сони 200 га, 2020 йилга бориб эса салкам 250 тага етади.

● Бразилия суди ушбу мамлакатда амалга оширган жиноятлари учун Колумбия нарқобарони Х.Рамиресни 30 йилдан ортиқ муддатга қамоқ жаэосига ҳукм қилди.

● Япониянинг «Тойота Моторс» корпорацияси дизель ва электр двигателли гибрийд автомобиль ишлаб чиқаришни жорий йилда 60 фоизга ошириш ниятида эканини маълум қилди.

● Буюк Британия ҳукумати мамлакат дўконлари ва базорларининг расталарига тамаки маҳсулотларини қўйишни таъқиқлаш тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқди. Бундан қўзланган мақсад харидорларга сотувдаги мазкур маҳсулотни кўрсатмаслик орқали чекувчилар, айниқса ёшлар орасида унга бўлган талабни камайитиришдан иборат.

Маҳалла — ота-онани

Туманларда ФАОЛЛАР МАДАДИГА ТАЯНИБ

Бундан икки йил аввал Бектемир туманидаги «Истиқбол» маҳалласи аҳли маҳалла фуқаролар йиғини раислигига номзодлар ичида кўрсатилган Муҳаммадхон Мирзиёмовни танлаб адаштиришди. Анчадан буён туманда эътиборли ишларни амалга ошираётган ушбу оқсоқолнинг фаолияти ҳақида эшитиб юрган бўлсакда, аммо маҳаллага ўтишга вақт тополмаган эдик. Яқинда йўлимиз тушиб, мазкур маҳаллада бўлишимизга тўғри келди. Афсуски, маҳалла идорасининг эшиги ёпиқ экан. Шу атрофда куймаланиб юрган отахонга мақсадимизни тушунтирганимизда «Эй, болаларим-а уни бу ердан тополмайсизлар, яхшиси ҳов анави катта йўл бўйига ўтинглар, ўша ерда учратасизлар», деди у кўп қаватли уйлар томонни ишора қилиб.

Катта йўл бўйлаб кетарканмиз, оқсоқолнинг эндигина бир челақ чикиндини шундоққона йўл бўйига ағдармоқчи бўлган болага дашном бераётганининг устидан чиқиб қолдик.

—Амаки, ахир нима қилайлик. Маҳалламизга ахлат учун ажратилган контейнерлар аллақачон тўлиб бўлган, —деди бола айбдорона бош эгиб.

Оқсоқол ёнидаги уяли телефон орқали туман «Махсустранс» хизмати раҳбарияти билан боғланиб вазиятни тушунтирдик. Сўнг болага ярим соат ичида контейнерни алмаштириб кетишларини эринмай тушунтирдик. Муҳаммадхон ака билан ҳол-аҳвол сўрашган, мақсадимизни тушунтирдик.

—Юринглари, унда идорага ўтиб бамайилхотир суҳбатлашамиз, —деди у жилмайиб.

Йўл-йўлакка оқсоқол билан суҳбатлашиб кетамиз, деган маънода эндигина оғиз жуфтлаганимизда, «Оббо, уэр, шу ерда бироз кутиб туринглари», дея поёни йўқ қатор тутзорлар томон шошилдик.

Эътибор қилмаган эканмиз, дарахтлар орасида болта, арка кўтариб олган киши эндигина катта туртин танасига болта уришга чоғланаётган экан. Оқсоқол у билан ҳам анча тортишди. Орада кимларгадир сим қокди. Ниҳоят, халиги киши жуфтани ростлаб қолди.

—Маҳалламиз Тошкент вилояти ҳудуди билан чегарадош бўлганлиги учун мана шундай кўнгилсизликлар бўлиб туради, —деб тушунтирди оқсоқол. —Унинг олдини олиш учун кўшни маҳалла оқсоқоллари билан тез-тез учрашиб,

ҚАДИМДА ОТА-БОБОЛАРИМИЗ ЮРТ ОҚСОҚОЛЛАРИГА НИҲОЯТДА КАТТА ҲУРМАТ-ЭЪТИБОР БИЛАН ҚАРАШАН. САБАБИ, ОҚСОҚОЛЛАР ҲУДУДНИНГ ПАСТ-БАЛАНДИНИ ЧУҚУР БИЛАДИГАН, ОММА ОРАСИДА ОБРУ-ЭЪТИБОР ҚОЗОНГАН ВА ХАЛҚ БИЛАН ҲАМҚАДАМ, ҲАМНАФАС ЯШАЙДИГАН ИНСОНЛАР ҲИСОБЛанаДИ.



Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни, «Маҳалла»кўни ва Муқталигимизнинг 16 йиллиги муносабати билан турли тадбирлар ўтказилди. Ушбу маросимларга маънавият-тарғибот маркази ходимлари, эл суйган ёзувчи, шоирлар иштироки таъминланди. Тадбирлар давомида иккинчи жаҳон, афғон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ҳамда қаровчисини йўқотган оилалар ҳолидан хабар олиниб, соғва-саломлар улашилди. Шунингдек, «Ижтимоий ҳимоя йили» давомида кам таъминланган оилаларнинг 18 ёшгача бўлган фарзандларига салкам 1 миллион 800 минг сўмлик нафақа пуллари берилди. Кам таъминланган оилаларга эса 3 миллион 888 минг сўмдан зиёдроқ моддий ёрдам пули ажратилди. Бундай хайр-саховат ишлари жорий йилда ҳам тўлиқ давом эттирилади.

Айни пайтда маҳалламиз олдида турган асосий масалалардан бири аҳоли коммунал хизматлари учун тўланадиган тўловларни ўз вақтида ундиришдан иборат. Шулардан келиб чиқиб, ҳафтанинг ҳар жума, шанба кунлари ҳусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари раислари билан йиғилишлар ўтказилиб, нақд пул тушувлари таҳлил этиб берилмоқда. Мавжуд муаммолар жойларга чиқиб ўрганилмоқда. Мана шу ишларнинг самараси натижасида коммунал хизмат тўловлари бўйича ҳам бошқа маҳаллаларга нисбатан юқори кўрсаткичга эришилди.

Маҳалла оқсоқоли сўзини тугатаркан, тез-тез соатида қараб кўяётганидан қаергадир шошилаётгани сезилиб туради. Адашмаган эканмиз, раис ҳудуддаги кўп қаватли уйлар атрофини тозалаш учун одамларни ҳашарга айтириб қўйган экан.

—Ширкат раисларининг ўзлари бу ишни эплашолмай-дими?—сўрайми оқсоқолдан.

—Эплашга эплашди, аммо ўзим бошида турмасам, ҳечам кўнглим тинчмайди-да, —деди Муҳаммадхон ака. Кўп қаватли уйлар томон тез-тез одамлар кетаётган оқсоқол ортидан қараб қоларканмиз, «Қани эди барча оқсоқолларимиз кам Муҳаммадхон акадек кўнча эдик, элим деб, юртим деб яшайдиган инсонлар бўлса эди» дея хабарга толдик.

Дилшод ИСРОИЛОВ СУРАТДА: маҳалла фуқаролар йиғини раиси (ўнг томонда) маҳалла аҳли билан мулоқотда

—Албатта, биз биргина маҳалла ободончилигига асосий эътиборни қаратаётганимиз йўқ, —деб суҳбатчи давом эттирди оқсоқол. —Жумладан, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Миллий банк ва Солиқ идораси ходимлари билан ҳамкорликда маҳалламизда истиқомат қилаётган ёш оилалар билан учрашувлар ташкил этилиб, ҳукуматимиз томонидан яратилаётган шароитлар ҳусусида батафсил маълумот берилди. Улардан 30 ёшгача бўлган 6 та ёш оила рўйхатга олинди. Келгусида уларга уй-жой ва маиший буюмлар учун кредитлар ажратиш режалаштирилди. Бундан ташқари, ўтган ҳисобот йилида Ватан ҳимоячилари кўни, Ҳайит, Наврўз байрами, Хотира ва Қадрлаш кўни,

МАҲАЛЛА ЁШЛАРИДА ҚИЗИҚИШ УЙФОТДИ

БУГУНГИ КУНДА ЁШЛАРНИ ЖИСМОНАН СОҒЛОМ ВА АҚЛАН БАРКАМОЛ ЭТИБ ТАРБИЯЛАШ ЙЎЛИДА КАТТА САБЪ-ҲАРАКАТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ, КОЛЛЕЖ, ЛИЦЕЙ ВА МАҲАЛЛАЛАРДА БУ БОРАДА ТУРЛИ УЧРАШУВЛАР, ДАВРА СУҲБАТЛАРИ ВА ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА.

Хусусан Чилонзор туманидаги 173-мактабда «Новза» ва Ҳамза номидаги маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёшлар, фаоллар, ўқитувчи ва ўқувчилар иштирокида ўтказилган анжуман ҳам айнан ёшлар таълим-тарбияси, ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилганлиги билан эътиборга молиқдир.

Туман хотин-қизлар кўмитаси, «Қамолот» ЕИҲ, «Маҳалла» жамғармаси, туман ФХДЁ бўлими, Ф.Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи каби бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилиб «Бола ҳуқуқи тўғрисидаги БМТ конвенцияси талабларидан келиб

чиқадиган вазифалар ҳақида», «Нихок, Нихок тузиш тартиби ва мажбуриятлари», «Балоғат ёшидаги йигит-қизлар саводхонлигини муҳофаза қилиш— долзарб муаммо» каби мавзуларни қамраб олган ушбу тадбирда соҳа мутахассислари сўз олиб ўқувчи-ёшларни қизиқтирган барча саволларга жавоб берди.

— Ёшлар аввало ўзлари босаётган ҳар бир қадамнинг тўғрилигини билишлари лозим, — дейди биз билан суҳбатда туман ФХДЁ бўлими мудираси Дилором Сулаймонова. — Бунинг учун уларга ёшлиқдан тўғри таълим-

кўплаб ўтказишимиз, тўғри йўлни кўрсатишдан қарчамаслигимиз керак. Туманимизда 49 та маҳалла бўлса, шу кунгача «Дўмбиробод», «Катта Дўмбиробод», «1-Чарх Қамолон» каби маҳаллаларда турли мавзуларда учрашувларни ўтказдик. Бошқа маҳаллаларда ҳам режа бўйича бундай тадбирларни турли соҳа ходимларини жалб этган ҳолда мунтазам равишда ўтказиб борамиз. Ахир ёшлар эртанги кунимиз, келажагимизнинг сунъ тоғлари. Шундай экан бугунги кунда давлатимиз томонидан, қолаверса Юртбошимиз бошчилигида ёшларга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликни чуқур англаган ҳолда ҳар бир соҳа ходими бу эзгу ишни давом эттириши керак.

Барча иштирокчи ва ўқувчи-ёшларни қизиқтира олган ушбу тадбир саволи-жавоблар, фикр-мулоҳазаларга бойлиги билан йиғилганларда илиқ таассурот қолдирди.

Шаҳризода МУҲСИМОВА

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

МИРОБОД ТУМАНИ, «ФИДОЙИЛАР» МАҲАЛЛАСИДА ЯШОВЧИ МАҚСУДБЕК АЛИМБЕКОВНИ ҚЎШНИ МАҲАЛЛАДАГИЛАР ҲАМ ЖУДА ЯХШИ ТАНИШАДИ. ЧУНКИ МАҚСУДБЕК АКА БОҒБОНЛИКНИНГ ҲАДИСИНИ ОЛГАН ОДАМ. «ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ» ДЕГАНЛАРИДЕК БУ БОҒБОН ҚАЕРДАКИ БЎШ ЖОЙ КЎРСА, КЎЧАТ ЭКАДИ. БУ ГАЛ ҲАМ У КИШИНИ ТАШЛАНДИҚ ЕРНИ ТОЗАЛАБ КЎЧАТ ЭКАЁТГАН ЖОЙИДА УЧРАТДИК.

— Ана, интиқиб кўтганимиз баҳор ҳам келди, — деди у киши саломалиқдан кейин. — Энди айни шу кунларда кўчат экса бўлади. Кўчатиями биладиган, таниш боғбондан олиш керак, — деди у киши қўлидаги белкурраки ерга каттиқроқ ботириб кейин белига қўлини қўйди-да, қаддини тиклади. — Баъзи одамларнинг борздордан олма кўчатини олудим, мактаб сотувди, мана неча йилдирки мева соймайди ёки меваси бемаза деган гапларини эшитганимиз? Мен эшитганман. Шунда баъзи боғбонлардан худаям ҳафа бўлиб кетаман. Ахир бирон буюм ҳарид қилсангиз кўнглингиздагидек чикмаса, қайтарасиз. Лекин кўчатнинг ҳосилга кириши учун йиллар кетади. Сотган эгасини топишинг ҳам, молни қайтарининг ҳам илжо бўлмайди. Ва энг ачинарлиси, сиз у кўчатни не-не умидларда, мевасидан баҳраманд бўлиш илжинида сабр билан кутасиз.

— Мақсудбек акадан олган кўчатларимиз ўзи мактагандан ҳам зиёда ҳосил берган, — дейди кўшниси боғбоннинг ишини томоша қилганча. — Мен у кишига ишонаман. Дарахтлар билан жони бор одамдек гаплашадим. Биз билан кўчат, дарахтлар — уларни қандай парвариш қилиш ҳақида соатлаб гаплашса-да, бабириб яна эшитгимиз келаверади.

Мен ҳам ўйлаб қўйган саволимга жавоб олмақча шошиланман.

— Борздордан кўчат олаётганда нималарга эътибор бериш керак?

— Кўчат танлаётганда унинг илдици қисмини тирноқ билан тирнаб кўриш керак. Агар у сарғиш ёки қорайган бўлса шикастланган бўлади. Шикастланмаган кўчатнинг илдици оппоқ бўлади.

Баъзида боғбонлар кузда кўчатларни қовлаб олишда баргининг тўкили-

сак, хариддорлар серпатак кўчатни яхши деб ўйлаб олиб кетишади. Бизнинг 4 йилда не машаққатлар билан етиштирган олма кўчатимиз битта ўк илдицдан иборат бўлгани учун илдици бақувват эмасдек кўринади, ваҳоланки, ўша илдици серпатак кўчат беҳига уланган олма бўлиб, пақана навлдир. У атиги 30-40 килограммдан мева беради. Биз етиштирган олма эса 50 йилгача яшайди ва серҳосил бўлади.

Бизни яна бу йилни кишининг қаттиқ келганлиги, бу дарахтларга қандай таъсир ўтказганлиги қизиқтирди.

— Анор, анжир, хурмо кўмилимаган, яхши ишлов берилмаган бўлса, ўсиш даврида кўп сув берилиб, ўсувчи куртак яхши ривожланмаган бўлса, бу кўчатларнинг тепа қисмини совуқ урган ҳисобланади. Уларнинг совуқ урган ёки урганганини билиш учун тепасини кирғиб ёки пичоқ билан тилиб кўриш керак. Саргайган бўлса, демак, уни совуқ урган, агар кўм-кўк бўлса унда хавотирга ўрин йўқ.

— Ўтган йили мева қиммат бўлди. Чунки уларни совуқ урган дейишди. Бу йил-чи, бу йил пишиқчилик бўладими?

— Бу йил ёгингарчилик мўл бўлди. Демак, ҳосил яхши бўлади. Лекин яна бир томони бор. Кунлар исиб кетди. Дарахтлар эрта уйғонди. Бундай бўлмаслиги, яъни дарахт эрта уйғонмаслиги учун тағини очиб сув бериш ёки муз солиб қўиш ва устидан қипиқ сепиш керак. Шунда дарахт эрта уйғонмайди ва кор ёқанда совуқ урмайди. Кейинги йил кўчат экаётган одам мана шуларга эътибор бериши керак.

Мақсудбек ака билан яна анча суҳбатлашдик. У киши дарахтлар билан боғлиқ қизиқ воқеаларни ҳам сўзлаб берди. Хайрлашарканман, кетар чоғим қовлаб қўйилган 3-4 кўчат тутқазди.

— Бу олма, хурмо, олхўри кўчатлари. Энг зўри. Биланман «боғим йўқ-ку, қаерга эканман», демоқчисиз? Сиз ҳам менга ўхшаб бирор очиқ жойга экинг. Кўчат воғга етиб ҳосилга киргач одамлар сизни алқайди.

Мен у кишининг раъйини қайтармадим. Ахир айни кўчат экиш ишлари қизгин кетаётган бир пайтда ҳар бир киши биттадан кўчат экса...

Барно СУЛТОНОВА

НАВРЎЗ ШУКУҲИ

ЎЛКАМИЗ БЎЙЛАБ БАҲОР СЕПИНИ ЁЙДИ. ҚИР-АДИРЛАР ЧАМАНЗОРГА АЙЛАНДИ. ДОВ-ДАРАХТЛАР ЯШИЛЛИККА БУРҚАНДИ. БУ — ТАБИАТ ҲАМ, ОДАМЛАР ҲАМ ИНТИҚ БЎЛИБ КУТГАН БАҲОРНИНГ ТУҲФАСИ. РҶЙИ-ЗАМИН ҲАМ, БОРЛИҚ ҲАМ ЯШНАБ КЕТГАНИ КАБИ ИНСОН ҚАЛБИ ҲАМ ТУРФА ҲИС-ТУЙҒУЛАРГА ОШНО БЎЛГАН АЙНАН АНА ШУ КЎКЛАРДА ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭНГ ҚАДИМИЙ ВА ҚУТЛУҒ БАЙРАМИ—НАВРЎЗ ТАШИРФ БУЮРАДИ.

Хонадонларга ҳам, қалбаларга ҳам баҳорий гўзаллик ва ҳуш кайфият олиб келган Наврўз тантаналари мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоқ ёяйди. Жойларда бўлгани каби шаҳримизнинг Сергели туманида ҳам Наврўзни кўтаришни руҳда кўтиб олиш, турли кўнгличор маданий ва байрамона тадбирлар ўтказиш доимий анъаная айланиб қолган.

Кўни кенга Сергели -2 мавзесининг «Иттифок» маҳалласида кеч жамоатчилик иштирокида ўтказилган катта тадбир ҳам фикримиз далилидир. Маҳалладаги кам таъминланган оилалар ва уларнинг фарзандлари учун ўтказилган ушбу тадбирда кўркам қилиб безатилган байрам дастурхонига Наврўз таоми — сумалак билан бирга, қўқ сомақа чучура, севилли паловхонтура тортилди, ҳомийларнинг байрам туҳфалари тортиқ этилди.

— Маҳалламизда 2500 оила, 1504 хонадон таркибида 7400 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди биз билан суҳбатда «Иттифок» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тоҳир Музаффаров. — Шулардан 101 таси кам таъминланган, 34 таси муҳтож, боқувчисини йўқотган оилалар ҳисобланади. Биз бу оилаларга фақат байрам кунлари эмас, йил давомида имкон даражасида қўлдан келганча кўмак бериб келмоқдамиз. Шуну ҳам таъкидлаш жоизки, биз учун энг муҳими маҳалламиздаги оилаларнинг тинчлиги. Биз уларнинг бахт-саодати йўлидаги фаолиятимиздан, ҳаракатимиздан, амалга ошираётган ишларимиздан кўнглимиз тўлмас экан, маҳалламизда ҳамжихатликни, жипсликни, уюшқоқликни уюштира олаймиз, деб ўйлайман.

Халқимиз азалдан бағри кенг, саховатпеша, битта нон топса қўшниси билан баҳам кўради. Маҳаллада раис қандай йўлдан юрса, қўл остидагилар ҳам унинг изидан боришади. Шунгами, фуқаролар йиғини раиси ўринбосари Норбой Абдиев, хотин-қизлар комиссияси раиси Мавлуда Орипова, маҳалла посбонлар сардори Саидваққос Раҳмонқуллов фаолиятида ҳам ўзгаларнинг ташвишига шерик бўлиш, хайрихолик хислатлари сезилиб туради. Албатта, уларнинг жонқуяриги маҳалла аҳлининг манфаати йўлидаги хатти-ҳаракатларида бўй кўрсатишига шубҳа қилмасам ҳам бўлади. Чунки улар эл юкини, маҳалла оғир-енглини кўтаришни чин инсонийлик деб билган ақойиб инсон — маҳалла оқсоқолининг одамийлик мактабини ўташган.

Мурод Али ХОЛИЁРОВ

Сўранг, жавоб берамиз

КАСАНАЧИ МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШ, ИШ ВАҚТИ, КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИ ВА БОШҚАЛАР ҲУСУСИДА

—Газетанинг ўтган сонларида бирода «касаначилик» тушунчаси, уни ташкил этиш ва кимлар шу соҳа билан шугулланиши мумкинлиги ҳақида қаноатлантирарли маълумотлар берилган эди. Бизнинг истагимиз, ушбу мавзу яна давом эттирилса, жумладан, касаначининг меҳнатига ҳақ тўлаш, компенсация тўловлари, унинг иш вақти, дам олиши ва меҳнат таътиллари мuddати ҳақида билишни хоҳлардик.

Хидир Хошимов, Собир Файзуллаев, Миробод тумани

— Касаначилар меҳнатига ишбай асосида ҳақ тўланади. Ҳақ тўлаш бажарилган ишлар ёки сифати бўйича белгиланган талабларга жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқарилгани учун амалга оширилади. Умумийроқ меъёрлари ва ишбай нархлар томонларнинг келишувига кўра, тегишли ишлар учун меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ нормал иш вақти ҳисобидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Ишбай ҳақ тўланадиган аниқ иш учун касаначининг иш ҳақи миқдори иш бериувчининг ўзи ишлаб чиқаришида банд бўлган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари сингари бўлмоғи керак.

Меҳнат шартномасига мувофиқ, касаначининг ўзи хом ашёни олиб келиш ва тайёр маҳсулотни қорхонага тўғридан тўғри топширган ҳолларда, ушбу жараёнларни бажариш учун сарфланадиган вақти иш вақтига қўшилади ва қорхонада хом ашёни қабул қилиш ва тайёр маҳсулотни етказиб бериш бўйича технологик операцияни бажарадиган ишчи тариф сеткаси ҳисоб-китоби асосида ўз вақтида тўланади.

Касаначи иш вақтини ўз хоҳишига кўра тақсимлайди, унинг бажарган барча ишлари учун бир ҳисса миқдорда ҳақ тўланади ва унга вақтидан ортиқча ишлаганлик, дам олиш ҳамда байрам кунларида, шунингдек, тунги вақтда меҳнат қилганлик учун меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари таъбиқ этилмайди.

Касаначи қуйидагилар учун тўлов (компенсация) олади:

- иш билан боғлиқ равишда электр қуввати, сув, алоқа, машина ва асбоб-ускуналарга хизмат кўрсатиш ҳамда уларни таъмирлаш, транспорт харажатлари учун;
- машина ва ускуналарни техник кўриқдан ўтказиш, технологик жараён билан боғлиқ бўлган асбобларни алмаштириш, навларга ажратиш, қадоклаш ва ўраш учун кетган вақт учун;
- транспорт харажатлари ва улардан фойдаланиш харажатлари амортизацияси, шунингдек иш бериувчининг буюртмасини ўз мулк ҳисобидан жиҳозлар ва бошқа асбоб-ускуналар амортизацияси учун.
- Юқорида қайд этилган харажатларни қайтариш ўлчами ва тартиби иш бериувчи ва касаначи ўртасида тузиладиган меҳнат шартномасида белгиланади.
- Касаначилик ишларини бажарадиган хона (уй-жой) учун тўлов харажатлари, шунингдек, уй-жойдан фойдаланиш харажатлари қопланмайди.
- Касаначининг айби билан йўл қўйилган тўлиқ ёки қисман носозликлар учун меҳнат кодексига мувофиқ тўлов амалга оширилади. Яъни:
- тўлиқ носозлик учун ҳақ тўланмайди;
- қисман носозлик учун пасайтирилган нархлар бўйича ҳақ тўланади.

Материаллар, асбоб-ускуналар ва жиҳозларга зиён келтирилиши ва қонунчиликда белгиланган бошқа сабабларга кўра иш бериувчига зиён келтирилган ҳолларда, касаначи иш бериувчига келтирилган зиён қисмини қоплаб бериши шарт. Шу билан бирга, зиён қопламаси ўлчами Меҳнат шартномасида белгиланганидан ошмаслиги лозим.

Материал ёки хом ашёларнинг вақтида олиб келинмаганлиги, уларнинг касаначининг айбисиз туриб қолиши ва касаначи фойдаланадиган ускунани таъмирлаш учун Меҳнат шартномасида белгиланган вақтга мувофиқ ариза берилгандан кейин ускуначининг ишсиз туриб қолиш даври учун ўртача иш ҳақи сақланади.

Иш бериувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра (электр қуввати, сув, газ, иссиқлик ва бошқаларнинг йўқлиги) ишнинг тўхтаб қолишида ҳақ тўланмайди.

Иш вақти, дам олиш пайтлари ва меҳнат таътиллари мuddати ҳақида гапирадиган бўлсак, бунда касаначи ишлаб чиқариш топшириғи ҳамидан ҳамда Меҳнат шартномасида белгиланган бошқа шартлардан келиб чиққан ҳолда ўзи учун иш вақтини, иш жадвали ва тартибини мустақил равишда белгилайди.

Иш бериувчига касаначи учун ишлаб чиқариш топшириғини белгилашда ишларнинг айрим турларини бажариш учун вақт нормативларини ҳисобга олиши керак. Бунда бутун ишлар мажмуини бажариш учун иш вақтининг умумий мuddати Меҳнат кодексининг 116-моддасида белгиланган нормал ёки қисқартирилган иш вақти мuddатидан ошмаслиги лозим. Агар бу Меҳнат шартномасида кўрсатилган ёхуд қонун ҳужжатларида белгиланган бўлса, демак у 18 ёшга тўлмаган шахслар ва ногиронлар учундир.

Одатда иш вақтини ҳисобга олиш касаначининг ўзи томонидан амалга оширилишини эътиборга олсак, меҳнат таътили мuddатини ҳисоблаш ва ҳар йилги асосий таътилга чиқиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажини ҳисоблаб чиқариш учун дам олиш ва байрам кунларини ҳисобга олган ҳолда меҳнат шартномасида кўрсатилган ишлар ҳажмини бажариш учун зарур бўлган норматив вақт қабул қилинади. Бундан касаначининг ишлаб чиқариш топшириғи ҳамми бир ой ҳисобига ушбу Низомнинг 24-бандида кўрсатилганидан ошмаслиги даркор.

Касаначининг ҳар йилги меҳнат таътили мuddати, агар касаначи қонун ҳужжатларига мувофиқ кўпрок давом этадиган ҳар йилги асосий таътилга чиқиш ҳуқуқига эга бўлмаса, 15 иш кунидан кам бўлиши мумкин эмас. Агар жамоа шартномасида қорхона ишчилари учун узайтирилган меҳнат таътили ҳамда қўшимча меҳнат таътиллари белгиланган бўлса, касаначи ҳам узайтирилган меҳнат таътили ҳамда қўшимча меҳнат таътиллари олишга ҳақлидир.

Таътиллаб бериш вақти ва навбатга касаначи билан келишув бўйича иш бериувчи томонидан тасдиқланган жадвалда белгиланади.

Абдурауф ТОЖИБЕВ, ҳуқуқшунос

ОЗ-ОЗ ЎРТАНИШ ДОМО БУЛАВ...

МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БУСТОНИ САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ХИКМАТЛАР

Доно атторнинг қутисига ўхшайди: оғиз оч-маса ҳам фазилат намоён бўлиб туради. Нодон эса жангчининг ногораси каби: овози баланд ичи бўш.

Хунарманд ва оқил кишига асли Икки умр лозим бўлар дунёда: Бирида тажриба ҳосил қилса-ю, Бирида қўлласа уни зиёда.

Каламуш куёш чиқишини хоҳламайди.

Қошнинг тўғрилиги эгрилигида.

Ҳар кимнинг ҳурмати ўзига боғлиқ.

Халқ ким билан бўлса, мен ҳам ўша биланман.

Осон қўлга кирган нарсанинг қадри бўлмайди.

Мен нимани билсам — ўшаман.

Гўзаллар очик юзли бўладилар.

Ўғрининг қўли чопилмагунча ўғрилиқдан тортилмайд.

Ўқнинг эгри кетиши ўқ отувчининг нўноқлигидандир.

Гул бор жойда тикан ҳам бўлади.

Гўзал юзли пардозга муҳтож эмас.

Кечаси йўл юрмасанг, кундузи бир ерга етолмайсан.

Куйган дилнинг ғамини куйган билади.

Тахмин билан дори ичиш оқилларга ярашмайди.

Кўзга хуш ёққан дилга севимли бўлади.

Денгизга чўкканинг тўфондан нима ғами бор?

Бепойнмас биёбон, Сўнги бор унинг, аён.

Кўришининг қандай бўлса, кўзгуда ҳам шуни кўрасан.

Кўйлакнинг ўзи бўлмаса, этакни қандай тутаёт?

Хожат ушалса, ташвиш тугайди.

Давлат этагидан куч билан тутиб бўлмайди.

Ироқдан захарни даф қиладиган дорини топиб келгунларича илон чаққан киши ўлиб бўлади.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ЁШЛАР—КЕЛАЖАГИМИЗ, ЭРТАНГИ КУНИМИЗНИНГ ИШОНГАН ТОҒИ, УМИД ҚУВОНЧИ. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ УЛАРНИНГ ЖИСМОНАН СОҒЛОМ, МАЪНАН БАРКАМОЛ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШИ ЙЎЛИДА ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН КАТТА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. БУ БОРАДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2002 ЙИЛДА «ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМФАРМАСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ДАСТУРУЛАМАЛ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.

Шахмат

ЁШ ИҚТИДОРЛАР КАШФ ЭТИЛДИ

Хусусан, Тошкент шаҳар шахмат федерацияси томонидан ўсмир ёшлар ўртасида шахмат бўйича ўтказилган «Наврўз—2008» шаҳар биринчилиги мусобақалари ҳам айнан юқордаги мақсадлар йўлида ташкил этилди.

Олти ёшдан 16 ёшгача бўлган 105 нафар ёш шахматчиларни ўзида жамлаган ушбу мусобақа 9 кун мобайнида икки гуруҳга бўлинган ҳолда ўтказилди ва янги-янги иқтидор ва истеъодли ёшларни кашф этди.

—Йилдан йилга «ақл гимнастикаси» ҳисобланган шахматга қизиқувчи ёшлар сафининг ортиб бориши федерациямиз томонидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар самарасидир, — дейди биз билан суҳбатда Тошкент шаҳар шахмат федерацияси бош котиби Матлуба Афзолийна. — Чунки шахмат интеллектуал ўйин бўлиб, ақлни чархлаб, хотирани мустаҳкамлайди. Мақсад сари қийинчиликлардан чўчмасдан олға интилишга, ҳар томонлама камол топишга хизмат қилади. Мақсадимиз ҳам ўсиб келаётган ёш авлоднинг спортнинг шахмат турига бўлган қизиқишини ошириш орқали уларнинг келажақда руҳан ва жисмонан соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб вояга етишларига ҳисса қўшишидир. Биз шу мақсад йўлида истеъодли, иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларни руҳлантириш, ўзига бўлган ишончини ошириш йўлида бир қатор мусобақаларни ўтказиб, Ёшлар йилида бу эзгу ниятга янада кенгрок ёндошган ҳолда янги-янги чемпионларни кашф этмоқчимиз. Ахир бутун дунёни лол қолдирган шахмат қироли деб тан олинган Рустам Қосимжонов ҳам бизнинг фарзандимиз, Ўзбекистон ўғлини. Эътиборлиси, давлатимиз, шахсан Президентимиз бошчилигида ёш авлод камолотига кўрсатилётган катта эътибор ва ғамхўрлик тўғрисида болажонлар орасида яққ этиб кўзга ташланган истеъодлар сафи кундан-

кунга ортиб бормоқда. Бўлиб ўтаётган мусобақаларда унинг натижаларини кўриб турибмиз.

Дарҳақиқат, «А» ва «Б» гуруҳларидаги қизгин беллашувларда иштирок этган ёшлар орасида биринчи, иккинчи тоифали шахматчилар билан бирга эндигина бу оламга кириб келаётган ёшлар ҳам ўзаро баҳс юритдилар. Мусобақани кузатган ҳар бир мухлис ниҳоятда чиройли, шиддатли, шу билан бирга дўстона руҳда ўтган қизгин беллашувларнинг гувоҳи бўлди. Шунини алоҳида айтиб ўтиш жоизки, ёшлар орасида спортнинг ҳар бир турига, айниқса, шахмат-шашкага бўлган қизиқиш, шугулланишга иштиёқ, эътибор ортиб бормоқда. Йилдан йилга мусобақалар қатнашчиларининг ортиб бораётгани ва натижалар шундай дейишимизга асос бўлади.

Мусобақа давомида омадини сынаб кўриш, шу билан бирга ўзининг иқтидори, билим ва маҳоратини намоиш қилиш, ғалабага эришиб шохсула туридан жой олишга астойдил интилган иштирокчилар чиройли ўйин кўрсатиб йиғилганлар эътирофига сазовор бўлдилар. Нуфузли ҳақамлар хайъати уларнинг маҳоратини муносиб баҳолаб «А» гуруҳи бўйича 8 очко жамгарган Жамшид Нейматов биринчи ўринни, 7,5 очко жамгарган Ортық Нигматов иккинчи ўринни, 7 очко жамгарган Жавохир Нейматов учинчи ўринни забт этганларини эълон қилдилар. «Б» гуруҳида эса биринчи ўрин Темур Тошмухамедовга, иккинчи ўрин Дилмурод Ғиёсовга, учинчи ўрин эса Бобур Абдуқодировга, қизлар ўртасида эса биринчи ўрин Эъзоза Намозовга, иккинчи ўрин Дибра Ортиқовага, учинчи ўрин Неля Арутанянларга насиб этди.

Барча голиб ва совриндорлар Тошкент шаҳар шахмат



федерацияси томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари ва Фахрий ёрликлар билан тақдирландилар. Ишонамизки, ўзига хос тажриба ва маҳорат дарси вазифасини ўтаган ушбу мусобақа қатнашчилар ўртасида узоқ вақт ёдда қолади.

Шойра МУҲАМЕДОВА

СУРАТЛАРДА: бўлиб ўтган шахмат мусобақаларидан лавҳалар.

Алексей Попов олган суратлар

Футбол

КИМ ЧЕМПИОН БЎЛАДИ?

ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН XVII МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИ ОЛИЙ ЛИГАСИНИНГ УЧИНЧИ ТУР УЧРАШУВЛАРИ ЖАМОАЛАР БУ ЙИЛГИ МАВСУМГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРГАНИНИ ЯНА БИР ҚАРРА ИСОТЛАДИ. ЎТКАЗИЛГАН САККИЗТА УЧРАШУВДА АТИГИ ҲАМОН ГОЛ КИРИТИЛГАНИ ВА ФАҚАТГИНА ИККИТА ЖАМОАГА ИККИ ТЎП ФАРҚИ БИЛАН ҒАЛАБА ҚОЗОНИБ НАСИБ ЭТГАНИ ЧЕМПИОНАТИМИЗДА РАҚОБАТРАДОШ ЖАМОАЛАР ПАЙДО БЎЛАЭТГАНИ ҲАМДА МУСОБАҚА САВИЯСИ ЎСИБ БОРАЭТГАНИДАН ДАЛОЛАТ БЕРМОҚДА.

Турнинг энг қизиқарли учрашувларидан бири Тошкентда бўлди. Ўз мухлислари гувоҳлигида тўп сурган амалдаги чемпион — «Пахтакор» футболчилари «Динамо» (Самарқанд) билан куч сынашди.

Аслида самарқандликлар бу йилги чемпионатда юқори ўринлар учун курашишни мақсад қилган эди. Лекин дастлабки икки турдаги мағлубиятлар «Динамо»ни кўйи поғоналарга тушириб юборди. Тачмурод Агамуродов шогирдлари пойтахтда «Пахтакор»дан очко олиш илнжиде чемпионга жиддий қаршилиқ кўрсатди. Бироқ биринчи бўлимининг ўрталарида тошкентликлар ўйин тақдирини ҳал қилган ягона голини киритишга муваффақ бўлишди. Бу вазият-

да иқтидорли ёш ҳужумчи Фарход Тожиёв ўзини кўрсатди. Унинг яқин масофадан йўллаган зарбасини меҳмонлар посбони Олег Горвиц қайтара олмади — 1:0.

Қолган дақиқаларда пахтакорчиларда ҳисобни ошириш учун кўплаб қулай вазиятлар вужудга келди. Аммо шу кунги ишончли ўйнаган Олег Горвиц «Пахтакор» вакиллари — Одил Аҳмедов, Фарход Тожиёв, Элдор Мағдиев, Александр Гейнрихнинг зарбаларини бартараф этиб, ҳисобнинг ўзгаришига йўл қўймади.

«Пахтакор»нинг чемпионлиқ учун курашдаги асосий рақобатчиси — «Курувчи» (Тошкент) Андижондан уч очко билан қайтди. «Андижон»нинг пойтахтликларга

қарши ўйинини бевосита томоша қилиш учун стадионга ўн беш мингга яқин томошабин келди. Андижонлик чарм тўп усталари ҳам ўз мухлисларини хушнуд этиш ниятида кучли рақиб билан тенгма-тенг ўйнашга ҳаракат қилишди.

«Андижон» футболчилари Миржалол Қосимов шогирдларига бир соатдан кўп вақт мобайнида жиддий қаршилиқ кўрсатишди. Лекин олтиш сақкизинчи дақиқада мезбонларнинг химоя чизиги панд бериб қўйди. Бу вазиятда бурчакдан уза-тирилган тўпни Анвар Солиев аниқ зарба билан дарвоза тўрига жойлаб, жамоасига уч очко келтирди. Бу мохир ҳужумчининг «Курувчи» таркибидаги биринчи голи бўлди.

Жорий чемпионатда яна икки жамоа — «Насаф» (Қарши) ва «Сўғдиёна» (Жиззах) мағлубиятсиз одимини давом эттирмоқда.

Қаршилиқлар учинчи турда Фўзорнинг «Шўртан» жамоасини қабул қилиб, жамоа етакчилари — Зафар Холмуродов ва Рузиқул Бердиевнинг биттадан голи эвазига 2:0 ҳисобида зафар қучди.

«Сўғдиёна»нинг чемпионатнинг дастлаб-

ки турларидан совринли ўринларга даъвогарлик қилишини ҳеч ким кутмаган эди. Лекин «Сўғдиёна» вакиллари Жиззахда ҳам кучли жамоа шаклланаётганини исботлашмоқда. Фуркат Эсонбоев шогирдлари учинчи учрашуви Тошкентнинг «Локомотив» жамоасига қарши ўтказди. Кескин ва мурросасиз курашлар остида ўтган беллашув тақдирини ўттиз тўққизинчи дақиқада мезбонлар вакили Бехзод Абдумуинов томонидан киритилган ягона гол ҳал қилди — 1:0.

Қолган учрашувларда куйидаги натижалар қайд этилди: «Кизилкум» (Зарафшон) — «Навбахор» (Наманган) — 1:1, «Олмалик кон-металлургия комбинати» (Олмалик) — «Металлург» (Бекобод) — 1:0, «Бухоро» (Бухоро) — «Машвал» (Муборак) — 0:0, «Нефтчи» (Фаргона) — «ЎзДонгЖу» (Андижон) — 2:0.

Мусобақа жадвалида учтадан учрашуви ўз фойдасига ҳал қилиб, тўққизтадан очко жамгарган «Курувчи» ва «Пахтакор» вакиллари пешқадамлик қилмоқда. Кейинги ўринларни еттидан очкога эга бўлган «Насаф» ва «Сўғдиёна» эгаллаб турибди.

Барча учрашувларда имкониятни бой берган «Динамо» ҳамда «Металлург» энг куйи поғоналарда қайд этилди.

Боҳир БЕК

«01»

ҚОИДАЛАРГА РИОЯ ҚИЛИШ — БУРЧИМИЗ

ЎТГАН ҲАФТА МОБАЙНИДА РЕСПУБЛИКАМИЗ ҲУДУДИДА 239 ТА ЁНГИН ҚАЙД ЭТИЛГАН БЎЛИБ УЛАРДАН КЎРИЛГАН МОДДИЙ ЗАРАР МИҚДОРИ 5 МИЛЛИОН СЎМДАН ОРТИҚНИ ТАШКИЛ ҚИЛГАН. ТУРЛИ САБАБЛАРГА КЎРА ЮЗАГА КЕЛГАН ЁНГИНЛАРДАН 11 НАФАР ФУҚАРО КУЙИШ ТАН ЖАРОҲАТИ ОЛДИ, ИККИ НАФАРИ ОЛАМДАН КЎЗ ЮМДИ.

Ҳар бир фуқаро кундалик турмушида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиб борса турли офатларнинг олди олинган бўлар эди. Ҳа «тилсиз ёв» ҳисобланмиш олов фасл, вақт, жой танламайди.

Кутилмаганда озгина эҳтиёсизлик, бепарволик оқибатида рўй бериб, тузатиб бўлмас асоратларни келтириб чиқариши, энг ачинарлиси, инсонлар ҳаётига зомин бўлиши мумкин.

Ёнгин хавфсизлиги қонун-қоидаларига қатъий риоя қилсангиз давлат ва шахсий мулкнингизни, уй-жойингизни ёнгиндан асраган, шунингдек яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Баҳодир ШОИОНУСОВ,
12-ХҲХО 11-ХҲХ алоҳида пост бошлиғи, капитан.
Камил АРИПОВ,
сардор

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Республика Давлат ветеринария бош бошқармаси 2008 йилнинг апрель ойи учун ҳайвонларнинг юқумли касалликларга қарши ишлатиладиган қуйидаги ветеринария препаратлари ва лаборатория диагностикаларини сотиб олишга ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Оқсил (А, О, Ослё-1 тип)	10. Отлар гриппи
2. Куйдирги	11. Парранда ўлати (шт. «Н» ва шт «La-Sota»)
3. Кутуриш	12. Листерия
4. Браззот	13. Маллеин
5. Қорасон	14. Итлар цистодози
6. Бруцеллэз (шт. «19», «REV-1»)	15. Лептоспироз
7. Туберкулёз (туберкулин ППД)	16. Куйлар чечаги
8. Туялар ўлати	17. Лаборатория диагностикалари
9. Чўчқалар ўлати	18. Чўмилтириш воситаси

Таклифлар эълон қилинган кундан бошлаб 15 кун муддат ичида қабул қилинади.

Манзил: Фарход кўчаси, 21 «А»-уй, тел: 276-90-85, 276-91-51

Эслатма: таклиф этиладиган ветеринария препаратларининг барча кўрсаткичлари илова қилиниши лозим.

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчамиз хонадонларимизга етказиб берилётган газ, электр энергияси, совуқ ва иссиқ сувдан фойдаланамиз. Унутманг, кўрсатилган коммунал хизматлар бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилиниши эртанги кундаги сифатли хизматлар гаровидир.

Коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатлари учун тўловларни ўз вақтида тўлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир ва ушбу тўловлар пойтахтнинг уй-жой — коммунал хўжалигини янада ривожлантириш йўлида сарфланади. Аҳоли томонидан истеъмоқ қилинган электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда бошқа коммунал хизматлар учун тўловлар аҳолининг ўз танловига кўра, фақат чекловларсиз тижорат банки муассасаларида, тўловларни қабул қилиш кассаларида ва почта бўлимларида амалга оширилади.

Фақат умумий саъй-ҳаракатларни бирлаштирган ҳолда, барчамиз ҳамкорликда коммунал хизматлар фаолиятининг самарадорлигига эришишимиз мумкин.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармони талаблари асосида комиссия қошида савдо-санаят палатаси ва тадбиркорлардан иборат Жамоатчилик Кенгаши ташкил этилган.

Сизнинг қорхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз комиссиянинг ишчи органига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз.

Ҳудудий комиссиянинг ишчи органи: 144-51-63, 140-32-18.



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буортма Г-306

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3350 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 3 4 5 6